



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт
Тоқаевнинг таклифига биноан
12 октябрь куни амалий ташриф билан
Остона шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарини аэропортда
Қозоғистон Бош вазири А.Смаилов ва
бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу куни Президентимиз хорижий
делегациялар раҳбарлари билан бир-
га Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чо-
ралари бўйича кенгашининг Остона
саммитига бағишланган концертни то-
моша қилди.

“Остона опера” театрида бўлиб ўт-
ган концертда қозоқ миллий куй-қў-
шиқлари, классик симфониялар, опера
ва балетдан намуналар ижро этилди.
Уларда эзгулик, дўстлик, тинчлик каби
умумбашарий қадриятлар ўз ифодаси-
ни топди.

Ўзбекистон етакчиси 13-14 октябрь
кунлари Остонада иккита саммит —
Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари

бўйича кенгаш ҳамда Мустақил Давлат-
лар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари
кенгашининг мажлисларида иштирок
этиб, нутқ сўзлайди.

Саммитлар кун тартибига ўзаро
савдони кўпайтириш ва саноат коопе-
рацияси лойиҳаларини илгари суриш,
самарали транспорт коммуникацияла-
рини шакллантириш, озиқ-овқат хавф-
сизлигини таъминлаш ва иқлим ўзга-
ришига қарши курашиш масалалари
киритилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон
Президенти ҳамкор мамлакатлар деле-
гациялари раҳбарлари билан икки то-
монлама учрашувлар ва кўп томонлама
музокаралар ҳам ўтказилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ЖАМИЯТЛАРИГА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КўМАКЛАШИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг
хаёт сифати ва ижтимоий фаоллиги-
ни янада ошириш, ногиронлиги бўлган
шахсларнинг жамоат бирлашмаларига
қарашли юридик шахсларни давлат
томонидан қўллаб-қувватлашнинг са-
марали тизимини шакллантириш бўй-
ича тизимли ишларни изчил давом
этириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги
ПҚ-208-сон қарорининг 2-бандида бю-
джет буюртмачилари учун назарда ту-
тилган чекловлар Электрон кооперация
порталида рўйхатдан ўтган, ходимлари
умумий сонининг камида 50 фоизи но-
гиронлиги бўлган шахслардан иборат ва
ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига
ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ
тўлаш фондининг камида 50 фоизини
ташқил этадиган, ягона иштирокчиси

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат
бирлашмалари ҳисобланган юридик
шахслар (кейинги ўринларда — ягона
иштирокчиси ногиронлиги бўлган шах-
сларнинг жамоат бирлашмалари ҳисоб-
ланган юридик шахслар) томонидан
ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни
харид қилишга нисбатан татбиқ этил-
маслиги белгилаб қўйилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси бир ой му-
датда Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ягона
иштирокчиси ногиронлиги бўлган
шахсларнинг жамоат бирлашмалари
ҳисобланган юридик шахслар томо-
нидан ишлаб чиқариладиган маҳсу-
лотларнинг кўргазма ярмаркасини
доимий тарзда ўтказиш графикларини
тасдиқласин.

▶ Давоми 2-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ САНОАТИ: КЕЛАЖАК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ



Тахлилчилар фикрича, жаҳонда сотилган
яңги автомобиллар умумий сонидagi
электромобиллар улуши олти йилдан
кейин 33 фоизга, 2035 йилга бориб
эса 54 фоизга ортади. Лекин дунёда
электромобиль ишлаб чиқаришнинг жадал
ривожланиб бориши бу кўрсаткичларга
ундан олдинроқ эришилишидан
далолат бермоқда. Чунки ўтган йилнинг
ўзида бундай машиналар улуши
автомобиль бозорига 2 баробарга ўсган.
Мамлакатимизнинг 2022-2026 йилларга
мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида
“яшил иқтисодиёт”га ўтиш, жумладан,
электромобиль ишлаб чиқариш бўйича ҳам
мақсадлар белгиланган.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН: МДҲ ДОИРАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙўЛИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни
МДҲ мамлакатларининг Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтадиган саммити ҳамда
“Россия — Марказий Осиё” форматидagi учрашувда иштирок этади.

МДҲ ташқил топганидан буюн Ўзбекистон
савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш,
транспорт коммуникацияси тармоқларини ри-
вожлантириш, иқтисодий алоқаларни тенг ва
ўзаро манфаатли асосда мустаҳкамлаш та-
рафдори бўлиб келмоқда.

МДҲ доирасида Ўзбекистон мақсадли
вазифалари миллий манфаатларга жавоб
берадиган ва давлатимиз учун амалий қизи-
қиш уйғотадиган Давлат раҳбарлари кенга-
ши, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи иш-
лар вазирлари кенгаши, Иқтисодий кенгаш,
Парламентлараро Ассамблея, шунингдек,
тармоқ тузилмалари (Мудофаа, Ички ишлар,
Бош прокурорлар, Махсус хизматлар, Мада-
ният, Соғлиқни сақлаш, Жисмоний тарбия ва
спорт вазирлари кенгашлари, божхона, со-
лиқ идоралари, темир йўл маъмуриятлари,
статистик хизматлар, агросаноат мажмуаси



раҳбарлари ва бошқалар) фаолиятида и-
зчил иштирок этиб келмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИДИР

Мамлакатимизда бунёдкорлик қўлами
йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.
Янги уй-жойлар, маданий-маиший
объектлар, йирик заводлар, замонавий
инфратузилма объектлари қуриляпти.
Табийки, бундай катта ҳажмдаги ишлар
сифатли ва ўз вақтида бажарилишида
қурилиш материалларига бўлган талаб
ҳам ортиб боради.

Шу боис, ушбу йўналишдаги ишларни тўғри йўл-
га қўйиш, янги турдаги, энергиятежамкор қурилиш
материаллари ишлаб чиқариш, соҳага инвестор-
ларни кенг жалб қилиш орқали йирик лойиҳалар-
ни ишга тушириш, тадбиркорларни қўллаб-қувват-
лаш борасида тизимли ишлар амалга ошириб кел-
лиммоқда. Бунинг натижасида эса соҳада жиддий
ўзгаришлар кузатишмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ХОМАШЁ УЗЛУКСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ Бўйича ҚўШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА

Жорий йилнинг 22 август куни ўт-
казилган Ўзбекистон Республикаси
Президентининг тадбиркорлар билан
очик мулоқоти доирасида белги-
ланган устувор вазифалар ижросини
таъминлаш, шунингдек, “божхона ҳу-
дудига қайта ишлаш” божхона режими
янада соддалаштириш, саноат
корхоналарининг хомашё таъминоти
ни яхшилаш мақсадида:

1. 2025 йил 1 январга қадар 1-ило-
вага мувофиқ хомашё ва ярим тайёр
маҳсулотларга импорт божхона божини
ноль ставкада қўлланилсин.

2. Белгилансинки, “божхона ҳу-
дудига қайта ишлаш” божхона режими
доирасида барча ташқи иқтисодий
фаолият иштирокчиларига божхона
тўловлари тўлиғини таъминлаш
таъминлаш бекор қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳуду-
дига импорт қилишда божхона божини
ва қўшилган қиймат солиғидан озод
этиладиган, ўхшаши республикада
ишлаб чиқарилмайдиган технологик
асбоб-ускуналар рўйхатига 2-илова-
га мувофиқ технологик асбоб-ускуна-
лар киритилсин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо
вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш вази-
рлиги ҳамда Молия вазирлигининг
2023 йил 1 январдан бошлаб:

асбоб-ускуналар (қурилмалар,
механизмлар, бутловчи ва эҳтиёт
қисмлар) сотиб олиш (сотиш) бўйича
шартномада (контрактда) уларни
монтаж ва (ёки) ишга тушириш-соз-
лаш хизматлари, ходимларни ўқи-
тиш хизматлари ва бошқа шу каби
хизматлар қиймати алоҳида кўрсати-
лмаган ҳолларда норезидентнинг
солиқ солинадиган даромадини ушбу
хизматларнинг бозор қийматидан
келиб чиқиб ҳисоблаш тўғрисидаги;

мазкур турдаги шартномалар
(контрактлар) бўйича монтаж ва (ёки)
ишга тушириш-созлаш хизматлари,
ходимларни ўқиш хизматлари ва
бошқа шу каби хизматлар кўрсат-
ганлик учун норезидентнинг солиқ
солинадиган даромадини шартнома
объекти қийматининг 20 фоизига
тенг деб ҳисоблашнинг амалдаги
тартибини бекор қилиш тўғриси-
даги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 октябрь



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ЖАМИЯТЛАРИГА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КўМАКЛАШИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта мuddатда худудларда кўргазма ярмаркасини ўтказиш учун зарур павильонларни аниқлаш ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

худудларда кўргазма ярмаркасини ўтказиш учун зарур павильонлар бепул тарзда ажратилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари мазкур кўргазма ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

3. Давлат буюртмачиларига ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўргазма ярмаркалари давомида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар билан улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни уч йилгача мuddат давомида кафолатли харид қилишни назарда тутувчи шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари ўз худудида фаолият юритаётган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлаш-

малари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ҳажми ва техник параметрлари тўғрисидаги ахборотларни 2022 йил 15 ноябрга қадар Электрон кооперация порталига жойлаштирсин ва мунтазам равишда янгилаб борсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари доимий тарзда ўз худудида тадбиркорлик субъектлари учун ўтказиладиган кўргазма ярмаркаси доирасида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг ўз маҳсулотлари билан иштирок этишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари мазкур бандда белгиланган вазифалар ўз мuddатида ва сифатли бажарилиши ҳамда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг фаолиятига кўмаклашиш ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин, шунингдек, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг қуйидаги қарорлари маъқуллансин:

а) 2023 йил 1 январга қадар ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисоб-

ланган юридик шахслар ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ягона реестри (кейинги ўринларда — Реестр) юритилишини ташкил этиш;

б) тадбиркорлик субъектлари томонидан иш ўринлари ва шароитларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларининг меҳнат шароитлари юзасидан давлат экспертизаси хулосасини талаб қилиш тартибидан беқор қилиш.

6. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб давлат харидлари доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб режа-жадвалларидаги харид предмети ҳажмининг камида 10 фоизи миқдоридан юқори бўлган ҳудуд буйича тегишли Реестрга киритилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни шартнома асосида сотиб олади.

Бунда, барча давлат буюртмачилари ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслардан харид қилинган товарлар тўғрисидаги маълумотларни ўзининг ёки юқори турувчи ташкилотларнинг расмий веб-сайтида доимий равишда жойлаштириб боради.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қoшидаги Рақамли трансформация маркази бир ой мuddатда Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи бўлишни ишга туширсин.

8. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи оқизлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон карлар жамиятининг 2022 йил давомида тажриба тариқасида Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда 2023 йилдан бошлаб қолган худудларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, маданият, санъат, спортга оид қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Имкониятлар маркази” фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, “Имкониятлар маркази”:

ногиронлиги бўлган шахслар ва иш берувчилар ўртасида мулоқот ўтказиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдони сифатида фаолият юритади;

ногиронлиги бўлган шахслар билан дастлабки суҳбатлар ўтказиб, уларнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга ўқитишга кўмаклашади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) “Имкониятлар маркази” фаолиятини ташкил этиш учун Нукус туманидаги Кердер саноат транспорт касб-ҳунар коллежи ва Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги “Ишга марҳамат” мономарказидан зарур хоналар ажратсин.

9. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи оқизлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг талабномаларига асосан Транспорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг жойлашувидан келиб чиқиб, мавжуд жамоат транспорт йўналишларига ўзгартиришлар киритиш ёки янгиликларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

10. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий

телерадиокомпанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар фаолияти ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, шунингдек, ушбу қарорнинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида ҳамда Интернет тармоғида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Н.Б.Хусанов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 12 октябрь

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИДИР

Азизбек БАҲОДИРОВ, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Қурилиш материаллари соҳасининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, экспорт қўлами ва географиясини янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда соҳага доир қонунчилик ҳужжатлари ва юқори идоралар топшириқлари ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан “шахсий масъулият, мустаҳкам “темир интизом” ва ташаббускорлик” тамойилига асосланган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг ягона тизими жорий қилинди.

Шунингдек, бу борада давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “jfo.gov.uz” ижро интизومي идораларга ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси мониторингини амалга оширишда муҳим қадам бўлди.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ижро этилишида камчиликларга йўл қўяётган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилиши белгилаб қўйилди. Бу эса раҳбарлар масъулияти яна бир қарра оширилишига сабаб бўлди.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг раҳбарлари томонидан берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида

мuddати яқинлашаётган топшириқлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар мунтазам таҳлил қилиниши ва муҳокама этиб борилиши натижасида топшириқларнинг мuddатидан олдин ижро этилиши таъминланмоқда.

Мисол учун, бугунги кунга қадар “jfo.gov.uz” тизими орқали жами 36 та ҳужжат бўйича уюшмага 91 та топшириқ тушган бўлиб, шундан мuddати келган 63 та топшириқнинг ижроси тўлиқ таъминланди. Қолган топшириқларнинг ўз мuddатларида ижросини таъминлаш қатъий назоратта олинган.

Ушбу топшириқлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг 15 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 26 таси қарорлари ҳамда 19 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг худудларга ташрифлари ҳамда хузуриларида ўтказилган йиғилиш баёнларида берилган топшириқларни ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқлари замон талаблари даражасида ривожланмоқда. Хусусан, ўтган йиллар мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий драйверларидан бири



бўлган қурилиш материаллари саноатида туб бурилиш даври бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва 2022

йил 21 февралдаги “Уй-жойлар қурилиши ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, маҳаллий саноат тармоқларини жадал ривожлантиришга кўмаклашувчи яхлит тизимни яратиш, шунингдек, худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Фармонга асосан “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси хузурида Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш ташкил қилиниб, унинг Низоми ва 2022 йилги иш режаси тасдиқланди.

Эътиборлиси, мазкур Фармонга асосан республикамизнинг 24 та туман (шаҳар)ларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини ташкил этиш топшириғи берилган.

Шунингдек, 8 та туманда кластер усулида қурилиш материаллари ишлаб чиқараётган корхоналар рўйхати шакллантирилди, 2022-2024 йилларда амалга оширилаётган 354 миллион долларлик лойиҳалар белгиланиб, лойиҳаларнинг 3 триллион сўмлик қувватлари, яратиладиган 1 362 та иш ўрни ва

ишга тушиш мuddатлари аниқ кўрсатиб берилди. Бундан ташқари, 16 та туман ва шаҳарларда бошқа худудлар билан саноат кооперациясини ташкил қилиш орқали 2022-2024 йилларда амалга оширилаётган 610 миллион долларлик 90 та лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 2,7 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади ва 3 632 та янги иш ўринлари яратилади.

Қарор билан цемент, цемент клинкери ва қурилиш ойнаси каби маҳсулотлар тўғрисидаги шартномалар асосида экспорт қилинишига рухсат берилди.

“Бостон Консалтинг Груп” (BCG) хорижий компанияси томонидан 2021-2030 йилларга мўлжалланган “Қурилиш материаллари соҳасини ривожлантириш” стратегияси ҳамда стратегияни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Қабул қилинган ҳужжат доирасида жорий йилнинг 9 ойида соҳада маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 22,5 триллион сўми (ўсиш 108 фоиз), жалб этилган инвестициялар миқдори 1 102 миллион долларни (ўсиш 124 фоиз), маҳсулотлар экспорти 427,5 миллион

долларни (ўсиш 148 фоиз) ташкил этиб, маҳаллийлаштириш дастури доирасида 930 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди (ўсиш 128,2 фоиз).

2022 йил якунига қадар соҳа бўйича 27,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 1,8 миллиард доллар миқдоридан инвестиция ўзлаштирилади, 600 миллион доллар қўйматида маҳсулот экспорт қилинади, маҳаллийлаштириш дастури доирасида 981 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда қиймати 547 миллион доллар бўлган 58 та лойиҳага 147 миллион доллар кредит маблағлари ажратилган. Шунингдек, қиймати 258,1 миллион долларлик 49 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 1 397 та иш ўринлари яратилди.

Қурилиш материалларини кейинги 5 йилликда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Хусусан, 2026 йилга бориб соҳа бўйича 48,4 триллион сўмлик (2,2 баробар) маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 1,08 миллиард долларлик (2,5 баробар) экспортни амалга ошириш, 2,2 миллиард доллар миқдорда (1,6 баробар) инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 1,9 триллион сўм миқдорда (2,1 баробар) маҳаллийлаштирилган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Шунингдек, цемент ишлаб чиқариш ҳажмини 2025 йилга бориб 25,3 миллион тоннага (114 фоиз) етказиш режалаштирилмоқда.

Президент ва Ҳукумат томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар, топшириқ ва вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида бугунги кунга келиб янги турдаги газ-бетон блоклари, гүлгоғоз, керамогранит, қўйма пол, 600 маркали цемент, геосетка, пеноблок, шиша кристаллит, иссиқлик сақловчи плиталар, бурама мих, композит қурилиш материаллари ва “ДСП” ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Лекин бу билан тўхтаб қолиш керак эмас, юртимизнинг “драйвер” соҳаларидан бири бўлган қурилиш материаллари саноати соҳасининг бугунги кундаги тенденциялари унинг Янги Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни сезиларли эканидан далолат беради. Шу боис, мазкур йўналишдаги изланиш ва ривожланиш жараёнларини давомли амалга ошириш катта вазифа бўлиб, уни удалаш биздан катта масъулият ва “темир интизом”ни талаб этади.



ЎЗБЕКИСТОН: МДХ ДОИРАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

МДХНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ ҚОЗОҒИСТОН РАИСЛИГИДА ЎТҚАЗИЛМОҚДА. 2020 ЙИЛДАН БУЁН БУ ФОРМАТДАГИ УЧРАШУВ ИЛК БОР ЮЗМА-ЮЗ ШАКЛДА БЎЛИБ ЎТАДИ ВА УНИНГ КУН ТАРТИБИ БОЙ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА. ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДЎСТЛИК ДОИРАСИДА ДАВЛАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҲАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШИ КУТИЛМОҚДА. МАЗКУР ЙЎНАЛИШЛАРДА ҚАТОР ҲУЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ.

Бошланғичи 1-бетда

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ҳамдўстлик фаолиятидаги иштироки сезиларли даражада фаоллашди. Ўзбекистон Президентининг 2017-2021 йилларда МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишларидаги иштироки яқунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар ва Ўзбекистон томонидан илгари сурилган 100 дан ортиқ ташаббуснинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида “йўл хариталари” қабул қилинган.

2018 йил ноябрь ойида Ўзбекистон МДХга аъзо давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги конвенцияга қўшилди.

2020 йилда Ўзбекистон МДХга раислик қилди. Раислик давомида 50 дан ортиқ тадбир, жумладан, онлайн шаклдаги Давлат раҳбарлари кенгаши, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Иқтисодий кенгаш ва бошқа анжуманлар бўлиб ўтди. Илгари давомидида Ўзбекистон БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги турли тадбирларда МДХ номидан иштирок этди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йил ноябрь ойида БМТ ва МДХ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги резолюцияси ташаббуси илгари сурилиб, ушбу ҳужжатнинг бир овоздан қабул қилиниши таъминланди.

Президентимиз 2020 йилги онлайн саммитда раис сифатида сўзга чиқиб, пандемия шароитида иқтисодиётни, савдо ва ҳамкорлик алоқаларини тезроқ тиклаш, “яшил” ва соддалаштирилган йўлақлар амалиётини кенг жорий қилиш, Ҳамдўстлик доирасида ягона электрон тижоратни ривожлантириш учун платформа ва “йўл харитаси”ни қабул қилиш устувор вазифа эканини қайд этди. Самарали мониторинг тизимини шакллантириш ва санитария-эпидемиологик фақуллода вазиятларга олдиндан жавоб бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2021 йил 15 октябрь кунги видеоконференция шаклида бўлиб ўтган юбилей йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев тузилма доирасидаги шерикликни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари ҳақидаги қарашларини илгари сурди. МДХ мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, МДХ макониди эркин савдо зонасининг тўлиқ ишлаши, самарали ҳудудларро ва қитъаларро транспорт коридорлари тизимини ривожлантириш, қўшма инновация дастурларини фол тарғиб қилиш ва бошланғич лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, МДХ Иқтисодий кенгаши фаолиятини кучайтириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва “яшил” кун тартибининг илгари суриш, биохавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, меҳнат бозорини яхшилаш,

2017 ЙИЛДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДЎСТЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ ИШТИРОКИНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ФАОЛЛАШТИРДИ. ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017-2021 ЙИЛЛАРДА МДХ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА ИМЗОЛАНГАН ҲУЖАТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН 100 ДАН ОРТИҚ ТАШАББУСНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА ВА ТЎЛИҚ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА “ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ” ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ўзаро сайёҳлик оқимини тиклаш ва маданий-гуманитар алмасувни кенгайтириш, терроризм ва гёбхандлик моддалари савдосига қарши курашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш кабилар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилда МДХ ҳудудида иқтисодий кун тартибиди асосий масала сифатида саноат кооперациясини ривожлантиришни белгилаш тақлиф этилди.

МДХнинг наватбатидаги саммити Қозоғистон раислигида ўтказилмоқда. 2020 йилдан буён бу форматдаги учрашув илк бор юзма-юз шаклда бўлиб ўтади ва унинг кун тартиби бой бўлиши кутилмоқда. Давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик доирасида давлатларро ҳамкорлик ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, хавфсизликни таъминлашга оид долзарб масалаларни кўриб чиқиши кутилмоқда. Мазкур йўналишларда қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўз навбатида, давлат раҳбарлари “Марказий Осиё — Россия” форматиди илк бор учрашди.

Аввалроқ, ташқи ишлар вазирлари даражасида ушбу шаклда беш марта учрашув бўлиб ўтган, улардан биринчиси 2019 йил 5 апрель кун Москва шаҳрида ташкил этилган. Уларда минтақавий ҳамкорликнинг қатор масалалари муҳокама қилинган. Евроосиё макониди интеграция жараёнларига, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш мавзусига эътибор қаратилган.

Тадбир кун тартибига олти томонлама шаклдаги ҳамкорлик истиқболлари, минтақавий хавфсизлик, савдо-иқтисодий алоқалар, шу жумладан, умумий савдо-иқтисодий ва бошқа манфаатларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан боғлиқ масалалар киритилган.

Саммит яқунлари бўйича иштирокчи давлатлар раҳбарларининг қўшма баёноти қабул қилиниши режалаштирилган.

“Дунё” АА

БУГУННИНГ ГАПИ

ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ САНОАТИ:

Бошланғичи 1-бетда

Бугунги кунда юртимизда ҳам муқобил энергияда ҳаракатланувчи автомобилларга эҳтиёж охиб бормоқда Чунки ушбу транспорт тури тоза энергия ёрдамида ҳаракатланади, углерод чиқиндиларини чиқармайди ва атроф-муҳитни ифлослантормайди. Электромобилларнинг юриш харажати оддий автомобилга нисбатан 13 бараварга кам бўлгани ҳолда, 3 баравар кам иссиқхона газини ажратиб чиқаради.

Президентимиз 10 октябрь кун электромобиль тармоғини ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш қамровини оширишга қаратилган лойиҳалар тақдими билан танишиш чоғида худди шу каби масалалар ҳам муҳокама қилинган бўлди.

Дастлабки электромобиллар декабрь ойида ишлаб чиқарилади

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 декабрдаги қарориди “Узавтосаноат” АЖ халқаро консалтинг ташкилотлари ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, 2021 йил 1 февралга қадар ишлаб чиқариш қуввати, молиялаштириш миқдори, давлат томонидан бериладиган қўмақлар ва бошқа маълумотларни назарда тутиб, жамиятда фақат электр двигатели орқали ҳаракатланадиган энгил автомобиллар ва мотортранспорт воситаларини ишлаб чиқариш концепцияси лойиҳасини яратиш вазифаси юклатилган эди. Ҳужжатда кейинги йил Давлат бюджетини шакллантиришда электр двигатели орқали ҳаракатланадиган электромобиллар воситалари республика ҳудудида харид қилинганда ва (ёки) вақтинчалик олиб қилинганда, уларни ички ишлар орғанларида рўйхатдан ўтказишда унинг эгалари (улардан фойдаланувчилар) томонидан туланадиган йиғимларни бекор қилиши, жойларда зарядлаш қўрилмаларини барпо этишга қаратилган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Яқинда Фаргона вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати дастлабки электромобиллар жорий йилнинг декабрь ойида тест режимида ишлаб чиқарилишини расман эълон қилди. Қайд этилишича, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фаргона шаҳрида мазкур лойиҳани амалга ошираётган “Central Asia Motors” корхонасида бўлиб, уни ишга тушириш билан боғлиқ жараёнлар билан танишган.



Фаргона механика заводи ҳудудида жойлашган ушбу корхонада умумий қиймати 50 миллион доллар бўлган “Электромобиллар учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда энгил ва юк электромобиллар тайёрлаш” лойиҳаси ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Ушбу лойиҳанинг 5 миллион доллар тадбиркорнинг ўз маблағлари, яна 5 миллион доллар банк кредити бўлса, қолган 40 миллион долларни тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобланади.

Босқичма-босқич амалга ошириладиган лойиҳа натижасида 350 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Тўла қувват билан ишга тушган, корхонада йиллик 10 минг электромобиль ишлаб чиқарилади.

Корхона бош директори Баҳодир Аҳмедов электромобилларни йиғиш ва синовдан ўтказиш цехлари, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақида маълумот берар экан, жорий йилнинг декабрь ойида 4 та энгил ва 8 та юк электромобиллари тест режимида янги корхона конвейерларидан чиқишини



КЕЛАЖАК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ



билдирган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда уларни қувватлантириш шохобчалари оммалашганини ҳисобга олган ҳолда, дастлабки босқичда гибрид қувватли (ток ва бензин) электромобиллар ишлаб чиқарилиб, бунда электр қуввати 20 фойздан камайганда бензин двигатели ишга тушади, энгилгида ишлаш жараёнида электромобиль батареяси қувват олади.

Истиқболли лойиҳалар ва уларнинг амалий ижроси

Жорий йил 14 февраль кун машина-созликни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари техник талаб ва стандартларни, шунингдек, маҳаллийлаштириш масалаларини ҳисобга олган ҳолда, электромобиллар саноатини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг 18 август кун Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўмитанинг 6-йиғилиши доирасида “Узавтосаноат”

саккиз ойида 1419 та электромобиль импорт қилиниб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 бараварга ошган бўлса, шундан 1,3 мингтаси Хитой автоконцернларига тегишли.

Президентимиз электромобиль тармоғини ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш қамровини оширишга қаратилган лойиҳалар тақдими билан танишиш чоғида “Узавтосаноат” акциядорлик жамияти раҳбарлари бу брада хорижий компаниялар билан эришилган келишувлар, ўзлаштирилиши кутилаётган моделлар ҳақида ахборот берди.

— Ҳар бир қароримизда бир йиллик эмас, ун йилликларни кўзлашимиз керак. Экологияни, келажакни инобатга олиб, бу тармоқни ҳозирдан ривожлантиришимиз зарур. Бунинг қанча тез қилсак, электромобиль бозориди рақобат пайдо бўлади. Бошқа электромобиль компаниялари ҳам келади, — деди Президентимиз.

Соҳада тажрибага эга хорижий компания билан қўшма корхона ташкил қилиб, оммабот электромобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

— Мамлакатимиз электромобилларни оммавийлаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бир неча рағбатлантирувчи жиҳатларга эга, — дейди “Узавтосаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Шавкат Умурзоқов. — Электр энергияси нархининг пастлиги, илқ ва иссиқ иқлим (батареялар кам қувват йўқотади) ва қўшни давлатларда бундай ишлаб чиқаришлар мавжуд эмаслиги шулар сирасига қиради.

“Узавтосаноат” АЖ бундай улкан лойиҳани амалга ошириш натижасида BYD автомобилларининг тўлиқ цикли (СКД: штамплаш, пайвандлаш, бўяш, йиғиш) ишлаб чиқаришни ташкил этишга эришади.

Шуниси эътиборлики, BYD учун бу аслада чет элди ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг биринчи тажрибаси, шунинг учун хитойликлар унга алоҳида эътибор қаратапти. Бинобарин, янги йилга қадар қўшма корхона ўз фаолиятини бошлаши ва кейинги йил охирига келиб конвейерлардан электромобиллар чиқиши мўлжалланаяпти. Бундан ташқари, келишув шартлари махсулотларни маҳаллийлаштириш дастурини ўз ичига олади. Кейинги босқичларда двигатель, электродвигатель, шунингдек, батареялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари тақдиротда электромобиллар нархи арзон бўлиши кераклигига алоҳида эътибор қаратади. Бу эса кўп жиҳатдан бутловчи қисмларнинг маҳаллийлаштирилганлик даражасига боғлиқ. Мисол учун, электромобиль таннархининг 30 фойзини аккумулятор, 10 фойзини электр ўтказгичлар ташкил қилади. Юртимиз заминидаги литий, мис, графит каби хомашё захирааларидан фойдаланиб, бундай қисмларни бемалол ўзимизда ишлаб чиқариш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

— Электромобилларнинг оддий автомобилдан устун томони бу, фойдаланиш харажатларининг камлиги, — дейди “Узавтосаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Шавкат Умурзоқов. — 100 километр йўл учун электромобиль (13 кВт.соат) 3800 сумлик электр энергияси сарф қилса, шу масофага энгилги двигательда ҳаракатланувчи автомобиль (8 литр, RON 80 лик бензин 6500 сум) 52 000 сум ёқилги ишлатади, яъни 13 бараварга кўпроқ. Агар харидор 1 йилда 20 минг километр масофа юрадиган бўлса, 10 миллион сум атрафиди маблағни иқтисод қилади.

Бундан ташқари, электромобилларда сервис харажати 30 фойзга (мой, филтёр, свеча йўқ) кам. Электромобилларга техник хизмат кўрсатиш даврийлиги 20 минг километр атрофида бўлса, оддий автомобилларга ҳар 5-7 минг километрга техник хизмат кўрсатилиши лозим бўлади.

Оғирлик маркази пастроқдалиги ҳисобига унинг турғунлиги ва бошқарувчанлиги юқорилигини ва “Blade Battery” технологиясидаги аккумуляторларга эга электромобиллар жуда хавфсиз (ёнмайди) ва портламайдиган) эканлигини ҳам қўшимча қилиш мумкин.

Ўзбекистон автомобил ишлаб чиқаришдаги ўзлаштирилган технологик жараёнлар (штамплаш, пайвандлаш, бўяш, йиғиш) ва кенг бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш базасига эга корхоналари мавжудлиги бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўринда туради. Бугунги кунда двигатель ва унинг қисмлари, иситиш, вентиляция, совитиш тизими (HVAC), интерьер ҳамда экстерьер деталлари, металл, электр қисмлар ва бошқа баъзи асосий материаллар маҳаллийлаштирилиб, соҳа корхоналарида ишлаб чиқарилмақда.

Улар томонидан пресслаш, пайвандлаш, бўяш, йиғиш, алюминий қўйиш ва механик ишлов бериш каби 200 дан зиёд технология (OES) ўзлаштирилган. Маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва махсулот таннархини тушириш учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган ойна, полипропилен, полиэтилен, мис хомашёлари мавжуд. Шу билан бирга, хусусий секторда 300 дан зиёд бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда. Улар Ўзбекистонда электромобилларни ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари учун кенг имкониятга эга.

Тақдиротда электромобилларга хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилиб, келгуси икки йилда жойларда икки мингга қувватлаш станциялари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бу станцияларга ҳам ер, мулк ва фойда солиғидан имтиёз қўлланилади. Тадбиркорларга қувватлаш станциялари орқали электрни эркин нархда сотиш ҳуқуқи берилади.

Экспертларнинг қайд этишича, автомобилсозликда юқори самарани ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг янги йўналиши муқаррар равишда бошқа тегишли тармоқлар ривожланишига олиб келади. Мазкур йўналишга жалб қилинган юқори савияли мутахассисларга бўлган талаб, ўз навбатида, ёш авлоднинг замонавий касблар бўйича сифатли таълим олишига туртки беради. Шу боис, тармоққа ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш муҳим ўрин тутди.

Тўғри, айни кунда юртимизда электромобилларга техник хизмат кўрсатувчи муҳандислар жуда кам. “Узавтосаноат” АЖ уларни ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш жараёнида малака ошириш тизимини йўлга қўйиш орқали тайёрлашни режалаштирмоқда. Шу билан бирга, Турин политехника университети билан дуал таълим тизими асосида янги “Саноатда ишлаб чиқариш технологиялари” йўналиши ташкил қилинди ва жорий йилдан салоҳиятли ишчи-ҳодимларни ўқитиш бошланди. Ташкил этиладиган марказларда ҳар йили мингдан зиёд инженер-техник ҳодимлар ўз билим ва малакаларини ошириб боради.

Юқори тоифали муҳандислар сонининг кўпайиши техника фанларини ривожлантиришга, шунингдек, корпоратив ва ишлаб чиқариш маданиятини халқаро стандартларга мувофиқ ривожлантиришга замин яратди. Айни чоғда автомобилсозлик саноатининг юқори мультипликативлигини ҳисобга олганда, ишлаб чиқаришнинг янги йўналиши муқаррар равишда бошқа тегишли турдош тармоқлар тараққиёти учун локомотив вазифасини ҳам ўтайди.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи





ТАРАДДУД

ДАСТУР АНИҚ, ИЖРО ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНЯПТИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объекти ва кўп квартирали уй-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ҳар бир ҳудудда дастур, туман (шаҳар) бўйича ишчи гуруҳлар таркиби ҳамда амалга ошириладиган ишларнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланган. Уларнинг ижроси коммунал соҳага дахлдор хизматларнинг иш сифати ва самарадорлигини оширишни, зиммадаги вазифаларни ўз вақтида бажаришни таъминлашга қўйилган. Қуйидаги шарҳда бу борада Наманган ва Жиззах вилоятларида амалга оширилган ва оширилаётган ҳозирлик ишлари ҳақида сўз боради.

Ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш йиғма бўлими бошлиғи Мушор Юсупов. — 2021-2022 йил қиш ва баҳор мавсумидаги эҳтиёж учун 59 минг 310 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жамғарилган бўлса, жорий йил баҳор ва қишга 65 минг 55 тонна захира яратилди.

Мавсумга шай, захира етарли

Куз-қиш мавсумининг кўнгилдагидек ўтиши мутасадди идораларнинг мавсумга ҳозирлиги, кундалик саъй-ҳаракатларига бевосита боғлиқ. Зеро, бу борадаги ишларнинг мукамал бажарилиши совуқ кунларда ҳаловат ва хотиржамликни таъминлаш баробарида, ташвишли ҳолатлар ва муаммоларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Жорий йилнинг январь-май ойларида Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида кучли шамол ва ёғингарчилик оқибатида паст кучланилиш электр тармоқларида узилишлар содир бўлди. Уларни бартараф этиш ҳамда ижтимоий соҳа объекти ва аҳоли хонадонларини узлуксиз электр таъминоти билан таъминлаш мақсадида 5,7 километр узунликдаги электр узатиш ҳаво тармоқларини реконструкция қилишга тўғри келди.

— Бунинг учун янги темир-бетон устунлари ўрнатилиб, ҳар хил қувватли қўлпаб трансформатор пунктлари жорий таъмирланди. Натижада вилоят бўйича 25 мингга яқин хонадонда электр таъминоти яхшиланди, — дейди “Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ ишлаб чиқариш техника хизмати бошлиғи Улуғбек Бегимқулов. — Умуман, бу йилги куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш учун тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор қаратилляпти.

Жумладан, “Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ томонидан иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объекти ва кўп квартирали уй-жой фондига хизмат қилувчи 105,2 километр юқори ҳамда 1327,2 километр паст кучланилиш электр тармоқлари, 657 та трансформатор пункти жорий таъмирдан чиқарилиб, ҳозирлик ишлари тўлиқ якувланди.

Вилоятда 152 минг 422 хонадон табиий газ ҳамда 106 минг 860 хонадон суюлтирилган газ билан таъминланиши зарур. “Худудгаз Жиззах” газ таъминоти филиали томонидан ушбу аҳоли пунктлари ва ижтимоий соҳа объектининг “зангори олов” билан узлуксиз таъминлаш бўйича тегишли чоралар қўрилган. Унга асосан, 15,4 километр газ қувурларини реконструкция қилиш, 25 дона газ тақсимлаш пунктларини мукамал таъмирлаш, 5 134 дона газ тақсимлаш пунктларини техник тафтишдан ўтказиш, 113,2 километрни газ босим остида синаш ва ҳаво босими ёрдамиде тозалаш, мавжуд қувурлар ҳолатини текшириш каби ишлар бажарилди. Мавсум бошидан буён аҳоли хонадонларига 155 минг 708 та электрон газ ҳисоблагич ускуналари ўрнатилдики, бу ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Асосий мезон — истеъмолчи манфаати

Халқимизда “Қиш гамини ёзда е”, деган мақол бор. Бу куз-қиш мавсумига хонадонлар, корхона-ташкилотларни тайёрлаш, иситиш воситаларини ҳозирлаб қўйишга ундайди. Айниқса, кўп қаватли биноларнинг мавсумга шайлиги манфаатларнинг доимий диққат марказида. Наманган вилоятда мавжуд 1 минг 576 та кўп квартирали уй-жойларни куз-қиш фаслига тайёрлаш, 91 та кўп қаватли уйни мукамал таъмирлаш бўйича режадаги ишлар ортиги билан бажарилган.

— Вилоятимизда иссиқлик таъминоти тизимларини такомиллаштириш ҳамда куз-қиш даврига тайёрлаш мақсадида ҳукумат қарориде иссиқлик тармоқларини жорий ва мукамал таъмирлаш белгиланган. Ҳозирги кунда бу топшириқ ижроси тўлиқ таъминланди, — дейди Наманган вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Адхамжон Турғунов. — Президентимизнинг 2021 йил 21 апрелдаги қарорига асосан Наманган шаҳридаги 350 та кўп қаватли уйнинг марказлашган иссиқлик тизимини қуриш ва реконструкция қилишга 15 миллион АҚШ доллари эквивалентда маблағ йўналтирилиши белгиланган эди.

“Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖ томонидан бу борада қатор юмушлар бажарилиб, айни пайтда қозонхоналар тўлиқ ишчи ҳолатига келтирилди. Худуддаги кўп қаватли уйлари яқиний синодан ўтказиш, ИИПларни созлаш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тугалланган кўп қаватли уйлари топширишга тайёрланмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат газ таъминоти билан боғлиқ. Бу йўналишдаги ишлар ҳам маромига етказилляпти. Хусусан, вилоятдаги 421 минг 896 нафар аҳоли суюлтирилган газ билан таъминланиши керак. Ишлаб чиқарувчи заводлардан ташиб келтирилган бундай газни истеъмолчиларга етказиб бериш учун сақлаш иншоотларига замонавий 22 та газ қўйиш электрон тарозилари ўрнатилиб, улар қуввати 2 минг 813 тоннага оширилди. Жорий йилда 10 дона “ISUZU” русумли махсус автотранспорт воситаси сотиб олинди ва улар сонини 89 тага етди. Бугун истеъмолчилар учун 1 минг 828 тонна суюлтирилган газ захираси мавжуд. Шаҳар ва туманга таъминоти бўлими жами 10 минг 20 дона айланма захира газ баллонларига эга, филиалнинг марказий омборида ҳам 1 минг 722 дона маийий газ баллон захираси яратилди.

— Тизимни рақамлаштириш лойиҳаси доирасида 421 минг 896 та истеъмолчига ID-карталар тарқатилди ва 476 минг 335 дона маийий газ баллонга электрон кодли стикерлар бириктирилди. “E-Gaz” дастури ишлаб чиқилиб, истеъмолчи ва давлат орасида электрон тўлов қўлайликлари йўлга қўйилди, — дейди “Худудгаз Наманган” газ таъминоти филиали ахборот хизмати раҳбари Тоҳиржон Турсунов. — Суюлтирилган газ етказиб бериш тизимида тўлиқ электрон (онлайн) назорат ўрнатилиб, истеъмолчилар белгиланган кунда уларни олмақда. Таъминотчи билан истеъмолчи ўртасидаги аввалги нақд пулдаги “олди-берди”га чек қўйилди.

Жорий куз-қиш мавсуми учун жами 38 минг 147 тонна суюлтирилган газ ажратилган. Вилоятдаги олов ва бориш қийин бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 76 та МФЙдаги 44 минг 549 та суюлтирилган газ истеъмолчисига 3 минг 357 тонна суюлтирилган газ узлуксиз ва сифатли

етказилади. Бундан ташқари, вилоят газ транспорти тизими иншоотларида уларнинг куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш учун захиралар яратилиб, автотранспорт воситалари соз ҳолатига келтирилди.

“Кўмир таъминот” масъулияти чекланган жамияти вилоят филиали томонидан аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларига жами 308,1 минг тонна кўмир етказиш белгиланган. Ҳозирда вилоятда мавжуд 8 та (Наманган шаҳри ва Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Чортоқ, Уйчи, Учқўрғон ва Норин туманлари) кўмир омборларида 5,6 минг тонна маҳаллий кўмир захираси мавжуд. — Қиш мавсумида энг кўп мурожаат йўналандиган ва талаб кескин ортадиган тизим, шубҳасиз, бу электр энергияси тармоғидир, — дейди “Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти директори Адхамжон Қорабоев. — Жамиятимиз томонидан вилоят истеъмолчиларига 176 та подстанция, 20 минг километрдан ортиқ электр узатиш тармоқлари ҳамда 7 минг 89 та трансформатор пункти орқали электр энергияси етказиб берилади. Куз-қиш мавсумида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига барқарор электр энергияси етказиб бериш мақсадида режа бўйича 2200 километрга яқин электр узатиш тармоғи ва 755 та трансформатор пункти мукамал таъмирланди.

Вилоятда мавжуд 609 минг 712 та истеъмолчига электр ҳисоблагичлар ўрнатилгани ҳам тежамкорлик ҳамда тўловларни аниқ ҳисобда амалга ошириш имконини бермоқда. Шунингдек,



6 мингга яқин ҳисоблагич “Биллинг” дастурига уланди. Жамият тасарруфидеги 7 минг 89 та трансформатор пунктларининг барчасига концентратор қурилмалари ўрнатилди. Бу мазкур трансформатор пунктларидан электр энергияси билан таъминланган 580 минг 150 та истеъмолчининг ҳисоблагичдан автоматик тарзда кўрсаткич олиш ва назорат қилиш имконияти яратилди дегани.

— Навбатдаги мавсум учун вилоят аҳолиси эҳтиёжини тўла қоплаш, аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа муассасаларига сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб бериш бўйича маълумотлар шакллантирилди, — дейди Наманган вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасининг ҳудудни

Орифжон Жўраев, Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбирлари

Yuz_official yuz.uz_news

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ — МАДАДХОНАСИ



Ашуралӣ Жўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Халқ қабулхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги фармони асосида ташкил этилганидан буюн халқ қалбига чуқур кириб борди, дарду ташвишларига чинакамига шерик бўла олди. Қабулхона одамларнинг яқин маслаҳаттўйи, дилдоши ва ташвишларига малҳам бўладиган яқин маслаҳодшига айланиб улгурди. Бу асло муболага эмас.

Бугун одамлар ўзларининг катта-кичик муаммоларини ҳал этиш учун турли давлат идораларига бориб овора бўлмайди, эшиклар олдида навбат қутиб, беҳуда вақт ўтказмайди. Уларнинг жавоб излаётган асосий масалалари жойлардаги халқ қабулхоналарида ҳал этилаётганини кўриб, Президентимизнинг “Халқ давлат органларини халққа яқин қилиш керак”, деган ҳаётий сўзлари амалда ўз тасдиғини топаётганига барча гувоҳ бўлиб турибди.



“Давлат органлари — халққа хизмат қилишнинг самарали воситаси” тамойилининг ҳаётга изчил кириб бориши қабулхоналар фаолияти мисолида тўлиқ намоён бўлаёттир.

Бунга ёрқин мисол қилиб Ўзбекистон Президентининг Навоий вилоятидаги Халқ қабулхонаси фаолиятидан ибратли ишларни айтиб ўтишни жоиз кўрдик.

Қабулхона ҳовлисидаги турфа манзарали дарахтлар, хушбўй гуллар билан бирга, яшил майдончаларда ҳикматли сўзлар билтилган 12 та паннога кўзинг тушади. Беихтиёр уларни ўқий бошлайсиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ҳикмати: “Одам нарса ни валдирати, кўнглига келган номаъқулчиликни қилиши мумкин эмас!”. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг сўзлари: “Оилани муқаддас билмаганлар учун муқаддас нарсанингни ўзи йўқ”.

Ҳикматлардан яна бири диққатимизни тортди:

Иллат излаганга иллатдир дунё, Фурбат излаганга фурбатдир дунё, Кимки нени изласа, топур беғумон Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё.

қабул қилиб, масала ва муаммоларини ечишга интилади. Лекин бу жараён жуда осон ва силлиқ кечмайди. Сабаби, ҳамма масалаларни бирдан, жойида ҳал этиб бўлмайди.

— Навоий вилояти Халқ қабулхонаси, асосан, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ҳар бир соҳадаги ислохотларни амалда таъбиқ этиб, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш ишларида улкан ҳисса қўшиб келмоқда. — дейди қабулхона мудирини Файзулло Қувондиқов. — Халқ қабулхонаси халқ қалбига кирди олди. Энг муҳими, одамларнинг оғирини енгил қилишда, катта-кичик муаммоларини ҳал этишда ишончли мададкор даражасига етди. Одамларнинг ишончи бизга куч-ғайрат бағишлайди.

Халқ қабулхонаси вилоятнинг олов чўл ҳудудларида яшаётган кўп миллатли аҳоли ўртасида ҳам-жиҳатлик ва тотувлиқни мустаҳкамлаш, саломатлигини яхшилаш, маънавиятини ошириш мақсадида “Маърифат қарвони” ташкил этиб, Томди, Конимех, Учқудуқ туманлари ва Зарафшон шаҳрида тадбирлар ўтказди. Тадбир доирасида олий тоифали, малакали врачлар томонидан тиббий кўриқлар ташкил этилди. Давлат хизматлари агентлиги, Бандлик бошқармаси ва вилоятнинг 22 та ташкилот ва корхонаси жалб этилиб, 14 кун давомида аҳолини қўйиб қалаётган муаммоларни жойида ҳал этиш чоралари қўрилди ва турмуш шароитини яхшилаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Бугун вилоятда 330 та маҳалла фуқаролар йиғинида 1,097 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг оғирини енгил қилишда, намунали маҳалла гузарлиги ташкил этишга Навоий вилояти Халқ қабулхонаси ҳам катта ёрдам берапти. Жумладан, тузилма Қармана тумани “Дўрман” МФЙда аҳолини қўйиб қалаётган ишсизлик масаласига эътибор қаратди. Маҳалла гузарлиги

Хиндистонга бориб, жигар кўчириб ўтказиш бўйича жарроҳлик операцияси қилдириш имкони бўлди. Қани айтинг-чи, қайси давлат

“Яхшилик ҳусни хулқдир”, “Умр ўтмоқда”, 2022 йилда “Шукроналик фазилатлари” ва “Уларнинг айби буюк бўлгани” тўпламлари аҳолига етказилди.

Жорий йилнинг сўнгги икки қарағида Навоий вилояти Халқ қабулхонасига жами 6316 та мурожаат орқали 6754 та масала келиб тушган. Масалаларнинг 5257 таси қаноатлантирилган, 2711 таси ижобий ҳал қилинган, 205 таси ҳозир ҳал қилиш жараёнида.

Қармана тумани “Ҳазора” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Чарос Қазақовага 2016 йилда жигар циррози ташхиси қўйилди.

Эндигина ҳаётининг ўттиз баҳорини қаршилаган ёш муаллима учун бу хасталиқ барча орзу-умидларининг сароби бўлиб кўрингани ҳақиқат. Бир неча йил давомида касаллик билан курашди. Аммо натижа қутилганидек бўлмади. Турмуш ўртоғи Бахтиярнинг чилангарлик ҳунаридан ортиргани ва ўзининг ўқитувчилик касбидан толган даромади бу каби оғир хасталиқ билан курашишга, ноёб дори-дармонларни сотиб олишга қийинчилик туғдиради. Вақт ўтган сари касаллик кучаяр, жарроҳлик амалиётини ўтказишга моддий шароит йўқлиги учун тушқунлик ва умидсизлик кундан-кунга ортиб боради.

Дунёда яхши инсонларнинг борлиги ҳам умидни сўндирмайди. Чарос Қазақова ўша оғир кунларни бундай эслайди:

— Хасталиқ рўҳимни емирарди, моддий имкониятимиз етишмагани, чорасизлигим хасталиқдан кўра кўпроқ азоб беради. Охириги умидим Президентга мурожаат қилиш бўлди. Қўсқа мuddатда Навоий вилояти Халқ қабулхонаси вакиллари келиб, аҳолидан хабар олди. Шундан сўнг давлатимиз учун барча шарт-шароит яратилди.

Хиндистонга бориб, жигар кўчириб ўтказиш бўйича жарроҳлик операцияси қилдириш имкони бўлди. Қани айтинг-чи, қайси давлат

ўз фуқаросига шунчалик фамҳўрлик қилади? Мен сиёсати инсонпарварлик тамойилларига йўрилган, жонажон Ўзбекистон фуқароси эканимдан фахрланаман. Шундай жаннатмакон юрда туғилганимга Аллоҳга шукроналар айтаман.

Энг аввало, Президентимиздан, унинг халқпарвар сиёсатидан розиман. Вилоят Халқ қабулхонаси ходимларига алоҳида ташаккурим ва миннатдорлигимни билдираман.

Вилоятда Халқ қабулхонасига мурожаат қилиб, муаммосига ечиб топаётганлар кўп. Кимдир ўқш учун контракт пулини тўлашда, айрим маҳаллалар ичимлик сув келтиришда, бошқаси тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўлишда, аҳолидан тез-тез хабар олиб, яхши кунлариде совға-саломлар билан йўқлаб туради. Шу боис, Халқ қабулхонасини халқ мададхонаси, десак тўғри бўлади.

Янги Ўзбекистоннинг халқчил ва халқпарвар давлатга айланиб бориш жараёнида Ўзбекистон Президентининг Халқ қабулхоналари мана шундай юксак вазифаларни адо этмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Ўз Ватанини, она халқини равнақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу — жасорат ва мардлик, бу — она юртга муҳаббат ва садоқат, бу — тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир”.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Тўсиқсиз муҳит яратиш

Инклюзив жамият барпо этиш тамойилига уйғун интилиш

Авалроқ барча тизимда, хусусан, ижтимоий жабҳада халқ орасига кириш, юртдошларимизнинг қувончу ташвишларига дахлдорлик ҳисси билан яшаш оммалашган бўлса, бугун саъй-ҳаракатларни “Инсон қадрини унинг тамойилига уйғунлаштириш мамлакатимизда умумийлик ҳаракат даражасига кўтарилди. Қайси соҳани қарамайлик, инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосий ўринга қўйилаётганини кўряпмиз.



қилиш, муҳтож фуқароларни босқичма-босқич замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация жараёни учун зарур техник воситалар билан таъминлаш борасида мақсадли ишлар бажарилади.

Тўртинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларида муҳтож фуқароларни реабилитация хизмати билан қамраб олиш кўлами сезиларли тарзда кенгайтирилди. Бундай марказларнинг салоҳиятини ошириш, уларда тиббий-ижтимоий реабилитациянинг замонавий ва самарали услуб ҳамда механизмларини жорий қилиш йўналишида салмоқли ишлар қилинапти. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг рўйхати 22 турдан 30 тагача кўпайтирилди. Афғон урушида иштирок этган, ногиронлиги бўлган 120 нафар жангчи-фахрий жорий йил якунигача 130 турдаги замонавий протез-ортопедия мосламалари билан таъминланди. Ҳозир уларнинг рўйхати шакллантирилган, харид қилинадиган замонавий протез-ортопедия мосламаларига техник талаблар тасдиқланган ҳамда тендер савдолар ўтказилди. Шу йил ноябрь-декабрь ойларида муҳтож жангчи-фахрийларга замонавий протез-ортопедия мосламалари етказиб берилди.

— Юртимизда ногиронлиги бор одамларнинг ҳаммаси ҳам тўшаққа михланмаган. Аравача, қўлтиқ-таёқ ва бошқа кўмакчи воситалар ёрдамида ҳаракатланадиганлар ҳам кам эмас. Бугун шу тоифанинг ҳаракатланиши, муайян хизматлардан фойдаланиши учун йўллар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида қандай қулайликлар яратилган?

— Очигини айтиш керак, ҳозир ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит яратиш деб номланувчи жараённинг бошида турибмиз. Тўғри, ногаёрон-

Орамизда шундай инсонлар борки, тўрт мучаси соғ, ўзининг қорига ўзи ярайдиган одамлардан кўра, эътибор ва кўмакка икки қарра муҳтож. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори Алишер ИНОҚОВ билан суҳбатда юртимизда мана шу қатламга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, инклюзив жамият барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақидаги саволларга жавоб олди.

— Биз мамлакатимиз ривожланиш палласининг янги даври деб атаётган



сўнги олти йилда тизим тубдан ислоҳ этилди. Ислохотлар жараёнидаги янгиликларни батафсил санасак, суҳбатимиз ҳамми ва кўлами анча кенгайиб кетиши шубҳасиз. Шунинг учун энг аҳамиятли ва мавзу моҳиятига оқинч вазифасини ўтовчи жиҳатларга тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан, — дейди Алишер ИНОҚОВ. — Аввало, мамлакатимизда ногиронлики белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш, барча фуқаролар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун инклюзив жамият қириш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар бошланганини таъкидлаш ўринли. Бу жуда катта масала. Чунки ташқи нуқсонларига кўра одам ажратилмайдиган, камситилмайдиган, ҳаммага тенг ва бир хил қонун-қоидалар амал қиладиган жамият барпо этиш давлатдан ва халқдан катта матонат ва сабр-тоқати талаб қиладди.

Иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз хоҳишига кўра истаган ишлаб чиқарувчи протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация жараёнида зарур техник воситаларни танлаб олиши ва харид қилишини таъминлайдиган сертификат тизими жорий қилинди. Илгари бу тизим тугул, оддий аравача ёки хасса билан таъминлашда қанча муаммолар бўлган. Одамлар ногиронлик аравачаси олиш учун ойлаб навбатда турган. Ҳозир нафақат таъминланяпти, балки жараён шаффоф ва очик бўлиши, ногиронлиги бор шахс ўзига қўлай мосламани харид қилиши учун танлов эркинлиги берилляпти.

Учинчидан, протезлаш соҳасида давлатнинг ўрни ва ролини ошириши назарда тутувчи янги тизимни жорий

лиги бўлган шахсларнинг ижтимоий инфратузилма объектларида эркин ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида пандуслар ўрнатиш масаласи давлатимизнинг доимо диққат марказида бўлиб келган. Бироқ тўсиқсиз муҳит биргина пандусни ўрнатишдан иборат эмас-да.

Ҳозиргача ногиронлики белгилаш борасидаги эски тиббий моделдан умумэтироф этилган ижтимоий моделга босқичма-босқич ўтиш концепцияси ва уни амалга ошириш юзасида “Йўл харитаси” лойиҳалари ишлаб чиқилди. Концепция ва “Йўл харитаси” лойиҳаларида ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит яратиш масаласи устувор этиб белгиланган. Унга кўра, жойларда ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароит яратишга қаратилган объектлар — йўл инфратузилмалари, жамоат транспорти, ижтимоий инфратузилма объектлари — мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим муассасалари, поликлиникалар, шифохоналар, дам олиш масканларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг эмин-эркин ҳаракатланиши, таълим олиши, меҳнат бозорига рақобатбардош касбларни эгаллаши, даволаниши, маданий ҳордиқ чикариши, спорт турлари, жумладан, паралимпия спорт турлари билан шугулланиши, хуллас, ҳамма қатори тўлақонли ҳаёт кечириши учун ҳақиқатан ҳам тўсиқсиз муҳит яратиш масаласи босқичма-босқич ўз ечимини топади. Бу жараён бир ёки икки йилда тўлиқ бажарилиши қийин. Энг асосийси, ҳукумат томонидан ушбу муаммо алоҳида белгилаб олинди ва албатта, босқичма-босқич ҳал этилади.



— Мамлакатимизда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ниҳоят ратификация қилинди. Бундан кейин қандай ўзгаришлар кутиляпти?

— БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилинган давлатимиз ва жамиятимиз олдида салмоқли вазифаларни қўйди. Ногиронлики белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш, ўз ишини бошламоқчи бўлган ногиронлиги бор шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларни ишга олган қороналарга имтиёзлар бериш, умумтаълим мактабларида инклюзив таълимни кенг жорий қилиш, ногиронлиги бўлган жасур, хусусан, қизларнинг олий таълим муассасаларига кириши учун ажратилган квоталарни кўпайтириш, институтларда тўсиқсиз муҳит яратиш ва бошқалар давлат ҳамда жамият зиммасидаги кенг қамровли ишларнинг бир қисми, холос.

Ушбу долзарб йўналишларда қатор ишлар бажарилди. Жумладан, собиқ иттифоқ давридан қолган эски тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари тизими ўрнига инсоннинг туғилгандан токи умрининг охиригача бўлган даврини тўлиқ қамраб олган ягона замонавий тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиялари тизимига ўтилди.

Иккинчидан, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсон билан шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб уларга ногиронлики белгилаш, ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда ногиронлики мuddатсиз даврга белгилаш тартиби жорий қилинди.

Учинчидан, тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати таркибида 18 ёшгача болаларга ногиронлики белгилаш комплексига масъул бўлган 19 та педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси ташкил этилди.

Тўртинчидан, тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиялари ўртасида ногиронлики белгилаш учун асос бўлувчи тиббий ҳужжатларни қозғоқ ҳолида эмас, электрон ҳужжат алмашинуви орқали



олиш тартиби жорий этилмоқда. Натijaда шу йил 1 августдан Тошкент шаҳридаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан ногиронлики белгилаш учун зарур бўлган тиббий хулоса ва ҳужжатларни тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияларига электрон тарзда юбориш тизими йўлга қўйилди. Ушбу тизим 2023 йилдан

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда жорий этилади.

Тараққиёт стратегиясида бу йил тизим олдида иккита катта вазифа қўйилган. Биринчиси — ногиронлики белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш. Иккинчиси — протезлаштиришда давлатнинг ўрни ва ролини ошириши назарда тутувчи янги тизимга ўтиш, муҳтож фуқароларга босқичма-босқич замонавий протез-ортопедия мосламаларини етказиб бериш.

Бугунги кунда иккала вазифанинг ижроси юзасидан директив ҳужжат лойиҳаси тайёрланди, алоқадор вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари билан келишилди. Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Ҳужжат тасдиқланиши билан Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси аниқ механизмлар асосида таъминланади.

— Ҳозир барча жабҳада жаҳон андазаларига бўйлашяпти. Хўш, тиббий-ижтимоий хизматлар соҳасидаги ҳолат қандай? Биз бу масалада ҳам жаҳон тажрибасидан унумли фойдаланяптимиз, ногиронлиги бор фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган нормативларимиз халқаро андазалар даражасида дея оламизми?

— Мамлакатимизда бу борадаги барча ишлар БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси доирасида бажарилаётган. Бир қатор семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил қилинди. Литва, Грузия, Молдова, Россия, Беларусь тажрибаси яқиндан ўрганилди. Россия ва Беларуснинг тегишли илмий-амалий марказлари, институтлари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Бугунга келиб тегишли вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари, ЮНИСЕФ, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси масъул ходимлари билан биргаликда Ўзбекистоннинг “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

иш йўналишида давлат сиёсатининг асосий принциплари, ижтимоий иш соҳасидаги органларнинг ваколатлари, ижтимоий ходимнинг фаолияти — ижтимоий ходимнинг вазифалари, болалар ҳимоясини таъминлаш борасидаги ижтимоий иш, таълим муассасалари тизимида (мактабгача, мактаб, касб-хунар), соғлиқни сақлаш, тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатиш, ҳуқуқ-тарғибот ва ўзини ўзи бошқариш органларида ижтимоий ишни амалга ошириш каби меъёрлар кўзда тутилган.

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида агентлик зиммасига юклатилган вазифалар ижроси ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Стратегиянинг асосий йўналишларидан бири эҳтиёжманд аҳоли тоифалари, оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш йўналишини ривожлантиришга қаратилган. Жумладан, аҳолига қўрсатиладиган ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш йўналишида қатор мақсадлар белгилаб берилган.

Биринчи мақсад — маҳалла даражасида аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ижтимоий хизмат кўрсатиш йўналишини ривожлантириш. Ушбу йўналишда аҳолининг ижтимоий ҳимояси маҳалла даражасида таъминланади. Оиланинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, уни ҳаётий мураккаб вазиятдан олиб чиқиш бўйича комплекс ёндашув асосида ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатилади.

Иккинчи мақсад — ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ходимлар салоҳиятини ошириш. Бу жараёнда ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими такомиллаштирилди. Бундан ташқари, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг туман (шаҳар) бўлиmlлари фаолияти ва кадрлар салоҳияти кучайтирилади.

Учинчи мақсад — аҳолининг эҳтиёжманд қатламига давлат томонидан кафолатланган ва бепул тақдим этиладиган ижтимоий (ижтимоий-тиббий, ижтимоий-педагогик, ижтимоий-психологик, ижтимоий-ҳуқуқий, ижтимоий-маиший ва ижтимоий-иқтисодий) хизматлар рўйхати ҳамда стандартлари ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

— Баъзи юртдошларимиздан ота-оналарни махсус муассасаларга топшириш халқимиз табиатида, менталитетига хос эмаслиги ҳақида эшитиб қоламиз? Сизнинг нуқтаи назарингиз қандай: бундай одамларнинг эътирози қай даражада ўринли?

— Меҳр-муруват, саховатпешалик халқимизга хос бебаҳо қадриятлардан. Яқин тарихдан биламиз: маҳаллада ҳеч кими йўқ, кимсасиз фуқаро вафот этса, маҳалла-қўй, кўни-қўшни қўлашиб, дафн маросимини ўтказган. Ота-онани вафот этиб, қаровсиз, етим қолган болаларни маҳалла, ҳамсоғлар оталиққа олган. Иссиқ-совуғидан ҳабардор бўлиб, вояга етказган. Тўй-ҳашамларига бош-қош бўлган. Ҳозир мана шу вазифани тегишли муассасалар бажаряпти. Сиз назарда тутатган “Саховат” уйларида ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар жойлаштирилади.

Улар тўлиқ давлат қарамогига олинади ва умрининг охиригача шу ерда яшайди. Бу ҳам мамлакатимизда аҳолининг муайян қатламига кўрсатилаётган эътибор намунаси дейиш мумкин. Бироқ бола-чақаси, яқинлари бўлган кексаларнинг “Саховат” уйларида жойлаштирилишини одатий ҳол деб бўлмади. Чунки бундай ишлар умуман халқимизга хос эмас. “Нима эксанг, шунни ўрасан” ёки “Олма дарахтининг тагида фақат олма тушади”, дейди халқимиз. Менимча, фарзандидан меҳрини аяманган, тўғри тарбия берган ота-оналар қариганда, албатта, хизматининг роҳатини кўради. Кексалик даврини “Саховат” уйида эмас, балки суюкли болалари, набиралари даврасида хурсандлик ва сокинликда ўтказилади.

— Президентимизнинг шу йил 30 августдаги “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати фаолиятини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатимиздаги туб ислохотларда халқларвар давлат барпо этиш, инсон қадрини улуглаш, меҳр ва ёрдамга аҳолини қўллаб-қувватлаш энг устувор йўналишлар қаторида белгиланган. Бугун юртимиздаги 7 та “Саховат”, 28 та “Мурувват” уйида 9,3 миң шахс васийликка олинган. Давлатимиз раҳбарининг қайд этилган қарори ушбу муассасаларда тиббий-ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатишини янгилашган тизимни жорий этишга қаратилган. Қарор доирасида қатор ишлар бажарилади. Жумладан, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари ҳудудида 2023-2024 йилларда видеокузатув мосламалари тўлиқ ўрнатилди ва интеграция қилинди.

Иккинчидан, шу йил 1 октябрдан бошлаб “Мурувват” болалар интернат уйлари тарбиячиларини ҳар йили камидан бир мартаба малака ошириш курсларида ўқитиш тартиби жорий этилади. Учинчидан, келгуси йил 1 июнда қадар руҳий ва жисмоний ривожланишида камчилиги бўлган шахсларнинг замонавий абилитация ва реабилитация муолажаларидан ўтиши учун “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари негизига зарур технология шартлоштирилади. Амбулатор шартда тиббий-ижтимоий хизмат олаётганлар учун янги педагогик ва инновацион технологияларга асосланган дастурлар жорий этилади ҳамда ота-она ёки васийларга маслаҳат ёрдамлари кўрсатилади.

Тўртинчидан, шу йил якунига қадар тиббий-ижтимоий муассасалар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт турлари билан шугулланиши учун зарур спорт ускуналари, жиҳозлар ва бошқа инвентарлар билан таъминланади.

Бешинчидан, ҳар йили 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб “Мурувват” болалар уйлари тарбияланувчилари ўртасида республика миқёсида спорт мусобақалари уюштирилади.

Олтинчидан, шу йил Наманган вилоятининг “Саховат” интернат уйи ҳудудида нурунийларнинг бўш вақтини самарали ташкил қилиш мақсадида кундузи хизмат кўрсатувчи 50 ўринли “Кексалар боғи” ташкил қилинади.

Еттинчидан, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида васийликка олинган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ошпазлик, қандолатчилик, сартарошлик, тикувчилик ва уларнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда, бошқа мос йўналишлар бўйича қисқа муддатли бепул курслар ҳамда интернат уйларида истиқомат қилаётган шахслар томонидан қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотларнинг қўрғазмалли савдолари мунтазам ташкил қилинади.

Сақизинчидан, Жиззах вилояти Шахроф Рашидов туманида ташкил этилаётган 300 ўринли “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи аёллар интернат уйига мослаштирилади ва шу йил октябрь ойида тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш орқали у ерда яшовчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чораларини назарда тутди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Ҳайриддинмурод
АБУЛҲАЙЗОВ
суҳбатлашди.

21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

ТИЛИМИЗ РИВОЖИ УЧУН ИЗЧИЛЛИК ВА СОБИТҚАДАМЛИК ЗАРУР

АЛЛА СЕҲРИ БИЛАН СИНГАН СЎЗ

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
қишлоқ хўжалиги вазири маслаҳатчиси

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, ўзбек тилининг луғат бойлигини оширувчи лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли луғатлар яратиш, таълим муассасаларида давлат тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, “Соҳада ўзбек тилининг қўлланилиши” фанлари жорий этилиши каби вазифалар 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.



Хориждаги қишлоқ хўжалиги таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талаба ёшларимиз билан алоқани йўлга қўйиш орқали уларнинг келгусида ўз меҳнат фаолиятини мамлакатимизда давом эттиришларини кўзда тутиб, давлат тилида иш юритиш асослари бўйича билим ва малакасини оширишга киришилди.

Аграр тармоқ учун кадрлар тайёрлашда соҳа фанларининг ўзбек тилида ўқитилишини такомиллаштириш мақсадида олий таълим муассасаларининг ўзаро узвий ва мувофиқлашган фаолиятини ташкил этиш чоралари кўрилди. Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича таълим йўналишлари мавжуд 30 га яқин олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари иштирокида махсус анжуман ўтказилиб, ушбу йўналишдаги муаммолар таҳлил қилиниб, олий ўқув юрталари аро кенгаш ташкил этилди, ҳамкорликдаги вазифалар кўлами белгиланди.

Соҳага оид фанлар ўзбек тилида ўқитилиши, янги авлод дарсликларининг давлат тилида яратилиши, олий таълим муассасалари ихтисослик ҳамда ўзбек тили ва адабиёти кафедраларининг ҳамкорликдаги илмий-педагогик ва инновацион фаолиятини самарали ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузиди мустаҳкамлаш борасида олдимизда муҳим вазифалар турибди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда юриштирилган очиклик сиёсати юртимизнинг глобаллашув жараёнига тобора жадал қилиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Халқаро муносабатларнинг фаоллашуви, ёшларимизнинг халқаро рейтингда юқори мавқега эга олий таълим муассасаларида тахсил олиши, илгор хорижий тажриба

Насиба МАМАРАИМОВА,
халқ таълими вазири маслаҳатчиси

Равон сўзламоқ ва бехато ёзмоқ — зиёиликнинг биринчи белгиси. Киши она тилида ўйлайди, фикрлайди, дилдагини тилига кўчиради. Демак, тафаккур тили ўз она тили бўлади. Йиллар ўтиб, миллий либосларимиз ўзгарар, яшаш тарзимиз алмашар. Ўйлаб қарасак, ўзгармас тушунчанинг, бирликнинг ўзи йўқ. Бироқ биз ўзгартиришга ҳаққимиз бўлмаган, аксинча, ривожлантириб, сайқаллаб боришимиз, гурур деб билганимиз керак бўлган кадрият бор. Бу — она тили. Унга меҳр болаликдан шаклланади. Бешикда гўдак ором олганида она айтган меҳрли ва орзули алладан қувватланади.



Шу маънода, она тили ривож ва истиқбол, энг аввало, оила муҳити, мактаб таълими сабоқларида болглиги кундек равшан. Зеро, мурғак қалбга ёшлиқдан алла сеҳри билан синган сўз дастлаб алифбо, сўнгра турли дарсларда мустаҳкамланиб, янги фанлар асосида бола тафаккурини ёритиб боради.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини ошириш, ўқувчиларга замонавий шарт-шароитлар яратишга устувор аҳамият қаратилади. Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллиги тантаналаридида нутқида ҳам Тараққиёт стратегияси доирасида 5 та асосий вазифанинг энг биринчиси таълим тизими бўлишини таъкидлади. Шунга қура, барча фанлар қаторида она тили ва адабиёт ҳамда давлат тили — ўзбек тили бўйича янги авлод дарсликларини яратиш, ўқитиш тизимини халқаро меҳнат асосида такомиллашти-

миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга устувор аҳамият қаратилган. Халқ таълими тизимида барча иш юритиш ҳужжатлари, нашр этилаётган китоб-тўпламлар, расмий сайтларда эълон қилинаётган янгиликлар, мақолалар қонун талаблари асосида юритилмоқда.

Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний “Ҳифзи лисон” мақоласида “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир”, дея таъкидлайди. Яна бир маърифатпарвар, унга яқин тилни пухта ўрганган олим Исҳоқхон Ибрагимов ҳам: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билш учун саяё-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиб қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу Ватанимизнинг ширини”, дея ёзиб қолдиргани бежиз эмас. Дунё тилларини чуқур ўрганган ҳолда ўз она тилини эъзозлаган фарзанд ўзлигини йўқотмайди, халқини азиз мукарам билиб, мамла-

Навоий ва Шарқ маданияти, адабиётида ўзига хос урин эгалаган адиб ва ириқ давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган ғазалхонлик соатлари ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Ушбу тадбирларга уйғун ҳолда жорий йилда Халқ таълими вазирилик ташаббуси билан Республика таълим маркази иштирокида “Янги фикр” республика иншолар танлови ўтказилди. Ўқувчиларда ёзма нутқини, танқидий ва иқдодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, миллий қадриятлар, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик, илм-фан ва технологиялар, медиасаводхонлик, касблар ва келажакка доир тасаввурлар бўйича замонавий дунёқарашни шакллантириш мақсадини қўйган танлов кенг жамоатчилик томонидан илқ қўлиб олинди. Танловда жами 28 миң нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди.

Ёшларимизда Ватанимиз тақдирини, эртанги кунни ва истиқболга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, уларни юртга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси Халқ таълими вазирилик билан ҳамкорликда ўтган йили юқори синф ўқувчилари ўртасида “Менинг Президентим” иқдодий ишлар танловини ўтказгани ҳам ўзига хос аҳамият касб этгани. Иншо ёзиш жараёнида ўқувчиларга ўзбек тилининг бой имкониятлари ва тилимизнинг софлигини сақлаш борасида тушунчалар бериб борилиб, иқдодий ишларни баҳолашда ўқувчиларнинг адабий тил меъёрларига амал қилиши бўйича билимлари ҳам синовдан ўтказилди.

Шу қунларда Халқ таълими вазирилик томонидан ўтказилаётган “Маърифатли жамият — Учинчи Ренессанс бунёдкори” эсселар танлови якуний босқичи бўлиб ўтмоқда. Бу каби танловлар тилимизнинг имкониятларидан ўринли фойдаланиб, ўз иқдодий салоҳиятини намоён қилишда асосий омил бўлади. Танлов фойдаланиши эълон қилиш ва тақдирлаш тадбири 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунини арафасида ўтказилади.

Она тили давлат тимсоли, миллатнинг маданий ва маънавий бойлиги, халқнинг маданияти, урф-одати, тарихини ифодаловчи воситадир. Дунёдаги қадимий ва бой, туркий тилларнинг катта оиласига мансуб ўзбек тили тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, орзу-интилишлари, дарду армонлари ва зафарлари билан чамбарчас боғлиқдир. Мозийда яшаб ўтган аллоамларимиз, ота-бобларимиз айнан шу тил орқали жаҳон илм-фани тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган. Зеро, шу гўзал ва мултташам забонда Билга хоқон ва Куттегин битиклари, Алпомишу Гўрўгли дostonлари, “Намаса” каби не-не буюк маданият намуналари, улкан илмий кашфиётлар яратилган.



риш борасида амалий ишлар олиб боришмоқда.

Хозир нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида ҳам ўзбек тилини эъзозлаш, ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Айниқса, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида илк марта ўзбек тилида нутқ сўзлагани алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу барча юртдошларимизга гурур бағишладиган, қалбини қувончга тўлдирган. Башарият наздида “Навоий тили” деб эътироф этиладиган она тилимизнинг жаҳон айвонига янграши ниҳоятда муҳим тарихий воқеалиқдир. Шунингдек, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон асосида юртимизда ҳар йили Ўзбек тили байрами кенг нишонланмоқда.

Айтиш жоиз, халқ таълими тизимида ёшларимизнинг она тилини мукаммал ўрганишига катта аҳамият қаратилиб, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ва синфларда ҳам ўзбек тили давлат тили сифатида чуқур ўқитиб келинмоқда. Халқаро халқимиз ижтимоий ҳаёти ва бунда халқимизга обрў-этиборини ошириш, ёшларни ватанпарварлик,

кат тараққиётида ўзини дахлдор ҳис қилиши

21 октябрь — давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган кун, мамлакатимиз тарихида муҳим сана. Негаки, она Ватанимиз мустақиллигининг қўлга киритилишида ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамияти беқиёс. Зеро, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши халқимизнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги муҳим оидим бўлганини катта авлод яхши эслайди.

Сўнгги икки йилда Халқ таълими вазирилик томонидан давлат тилига доир қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунириш, тарғиб қилиш ишлари, давлат тили меъёр-қондалари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича ўрганишлар амалга оширилди. Умумий ўрта таълим мактабларида “Октябрь ойи — она тили ва ўзбек тили фан ойлиги” деб эълон қилиниб, она тилимизни улуғловчи шеърлар ва саҳна қуришларидан иборат маънавий-маърифий тадбирлар, мактаб ўқувчилари ўртасида “Ўзбек тилим — ифтихорим” мавзусида иншолар ва видеоларлар танлови ўтказилди. Айниқса, барча умумий ўрта таълим мактабларида буюк шоир ва мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер



тизимига жойлаштирилди. Хозир бошқарув аппаратининг 2800 нафардан ортиқ ходими курсларга бормасдан, улардан ўз иш жойларида жамоавий ва яқна тартибда фойдаланиши имкониятига эга бўлди.

Вазирлиқнинг ҳудудий ташкилотларида давлат тилини жорий қилиш масалаларида ушбу йўналишда фаолият юритувчи маслаҳатчилар билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Натижада тизимдаги 231 та ташкилот, корхона ва муассасанинг 203 таси ёки 87,9 фоизда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари риоя этилган ҳолда, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида идоравий иш юритилишига эришилди.

Соҳада ўзбек тилининг луғавий бойлигини ошириш ҳамда соҳавий-терминологик базани яратиш мақсадида “Қишлоқ хўжалиги атамаларининг изоҳли луғати” ишлаб чиқилди. Айни пайтда “Ўзбекистон” наشريётида унинг матни тахрир қилиниб, нашрга тайёрланмоқда. Шунингдек, “Қишлоқ хўжалиги энциклопедияси”ни яратиш бўйича амалий лойиҳа тайёрлашга киришилди.

ва технологиялар жорий қилиниши, иқтисодиётда хорижий сармоялар салмоғи ва қўшма корхоналар географияси кенгайиши ушбу йўналишдаги фаолиятимизни кенг қамровда изчил амалга оширишни талаб этмоқда. Бунда, биринчи навбатда, соҳага кириб келаётган халқаро ва хорижий сўзларнинг ўзбек тилидаги аниқ маънони аниқлашчи ушша атамаларини қўллаш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича бош олий таълим муассасаси ҳисобланмиш Тошкент давлат аграр университети кафедралари томонидан ўз фанлари доирасида замонавий илмий ва ўқув адабиётлар ҳамда дарсликларда қўлланилаётган халқаро сўзлар ва хорижий атамалар, халқаро сўзларнинг ўзбек тилидаги изоҳлари баён этилган 23 та луғат тайёрланди.

Мазкур йўналишдаги фаолиятни такомиллаштириш борасида илмий, амалий ва услубий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мақсадида Алишер Навоий номидидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан шартнома имзоланди.

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1064.
80471 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаҳҳас: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА Якуни — 00:20 Топширилди — 01:00

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz